

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекциясининг 2021 йил якунлари
бўйича бажарилган ишлари тўғрисида**
ҲИСОБОТИ

“Давсувхўжаликназорат” инспекцияси 2021 йилда иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 августдаги 525-сон қарори билан берилган вазифалари ҳамда инспекциянинг иш дастурлари ва режалари асосида олиб борилди.

Хавф даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини, ишончлилигини ҳамда уларнинг бехатар ишлашини таъминлаш бўйича инспекторлик текширув ишлари олиб борилди.

Хавф даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотларни техник ҳолатини текшириш давомида фойдаланиш ташкилотларига **1685** та масала ва камчиликлардан иборат **267** та кўрсатма берилди ва уларни бажарилиши назоратга олинди.

Инспекциянинг диагностика ишлари режасига кўра жорий йилда жами **15** та хавф даражаси юқори бўлган шундан: **8** та сув омборларида, **4** та магистрал каналларда ва **3** та насос станцияларда маҳсус диагностика ишлари амалга оширилди. Ушбу диагностика ишлари натижалари бўйича ҳисоботлар фойдаланувчи ташкилотларига тақдим этилди.

Жами **21** та гидротехника иншоотлари жумладан **11** та магистрал каналлар, **6** та насос станциялар, **2** та гидроузеллар ва **2** та магистрал коллекторларининг хавфсизлик декларациялари Эксперт кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилиб, белгиланган муддатларга тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5055-сон қарори “Йўл харита”сининг 13-иловаси, 13-бандида “Республикадаги барча сув омборлари ва йирик гидротехник иншоотларни ҳар йили суғориш мавсуми тугаганидан

сўнг (сув омборларида сув сатҳи пасайгандан сўнг), шунингдек, ёзги суғориш мавсумида Республика идоралараро ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқиш ва ҳар бир сув омбори ва гидротехника иншоотининг хавфсиз ишлаши юзасидан чора-тадбирларни белгилаш” вазифаси юклатилган.

Шунга кўра, инспекция, Сув хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго”АЖ, “ЎзГИП” МЧЖ ҳамда “Ўзсуввойиха” АЖ мутахассисларидан иборат республика ишчи гуруҳ тузилиб, жорий йилнинг июнь ва июль ойларида сув сатҳи юқори кўрсаткичга етган **18 та** сув омборлари ва **2 та** ГЭСлар ўрганилди ҳамда октябрь ва ноябрь ойларида сув омборларининг сув сатҳи пасайгандан сўнг **20 та** сув омборлари ва **2 та** ГЭСлар ўрганиб чиқилди ва чора-тадбирлар белгиланди.